

Молиявий саводхонлик бўйича олимпиаданинг Республика босқичини ўтказиш Тартиби

Молиявий саводхонлик бўйича Олимпиаданинг Республика босқичи жорий йил **22 май куни соат 10:00 да** Марказий банк ва унинг худудий Бош бошқармаларида Zoom платформаси орқали бўлиб ўтади.

Иштирокчилар **соат 9:45** дан кеч қолмасдан ўз худудлари бўйича Марказий банк худудий Бош бошқармаларига¹ (Тошкент шаҳридаги Республика босқичи иштирокчилари Республика Марказий банки биносига) **шахсини тасдиқловчи хужжсат билан** ташриф буоришилари зарур.

Олимпиаданинг Республика босқичи қўйидаги тартибда ўтказилади:

1. Ҳар бир худуд бўйича иштирокчилар Марказий банк худудий Бош бошқармаларининг маълум аудиторияларида йифилади ва Zoom платформаси ишга туширилади;

2. Иштирокчиларга Олимпиада бўйича вазифаларни бажариш учун жавоблар варақаси тарқатилади;

3. Ҳар бир иштирокчининг титул вароғи ва жавоблар варақаси (ҳар бир вароқ) шифрланади ва қайси иштирокчига қандай шифр мос келиши олдиндан маълум бўлмайди;

4. Саволлар варақасининг титул вароғига иштирокчи исм-фамилиясини ёзади;

(Эслаб қолинг!) Иштирокчи исм-фамилияси фақат титул вароғига ёзилади. Иштирокчининг исм-фамилияси жавоблар варақасига ёзилган ҳолда қабул қилинмайди!

5. Иштирокчиларга 5 та вазифани бажаришлари учун умумий 90 дақиқа вақт берилади (ҳар бир савол учун вақт чегараси Олимпиада Республика босқичини ўтказиш бошланишида эълон қилинади);

6. Олимпиада Республика босқичини ўтказиш жараёни 90 дақиқа давомида Марказий банк худудий Бош бошқармалари масъул ходимлари ҳамда Zoom платформаси оқали Олимпиада ташкилий қўмитаси томонидан назорат қилинади;

7. Ҳар бир савол учун ажратилган вақт ўз ниҳоясига етгач жавоблар варақаси иштирокчилардан йиғиб олиниб Олимпиада ташкилий қўмитасига тақдим этилади.

Натижалар холислигини ва текшириш жараёни шаффофлигини таъминлаш мақсадида иштирокчиларнинг жавоблари титул вароғи ва саволлар варақаси ажратилган ҳолда Олимпиада ҳакамлар ҳайъатига текшириш учун тақдим этилади (текшириш жараёни якунланганидан сўнг Олимпиада ташкилий қўмитаси натижаларни эълон қилиш учун титул вароқларини шифрланган жавоблар варақалари билан бирлаштирилади).

Молиявий саводхонлик бўйича Олимпиаданинг Республика босқичи натижалари жорий йил **22 май куни эълон қилинади.**

Қўшишимча маълумот учун: +998 71 212 73 58; +998 71 212 73 56.

Барчага омад тилаб қоламиз!

¹ Марказий банк худудий Бош бошқармалари <https://cbu.uz/oz/about/central-office/regional/>